

Мина

Устимой-маърифий журнал

- *РАМАЗОНГА ОИД ХУКМЛАР
- *АЁЛЛАР ТАРОВЕҲ НАМОЗИНИ ҚАНДАЙ ЎҚИЙДИЛАР?
- *ШАХСИЯТ: УММУ САЛАМА
- *БОШИМИЗГА СОЯБОН БЎЛИБ КЕЛГАН РАМАЗОН
- *РАМАЗОН МЎЪЖИЗАЛАРИ
- *ҲАҚИҚИЙ РЎЗА ТУТАЙЛИК
- *РАМАЗОНДА АЁЛЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИ
- *БОЛАЛАР УЧУН РАМАЗОН
- *ДИНДА САВОЛИМ БОР
- *ИФТОРЛИК ДАСТУРХОНИ





Омина

رمضان كريم

Исламий-маърифий журнал

*Абу Хурайра розияллоху анхудан
ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алай-
ҳи васаллам:

«Сизга муборак Рамазон
ойи келди. Аллоҳ азда ва
жалла сизга унинг рўзаси-
ни тутмоқни фарз қилди.
Унда осмонларнинг эшик-
лари очилур. Унда жаҳан-
намнинг эшиклари ёпилур.
Унда ўзбошимча шайтон-
лар кишанланур. Унда Ал-
лоҳнинг бир кечаси бўлиб,
у минг кечадан яхшидир.
Ким у кечанинг яхшилиги-
дан маҳрум бўлса, батаҳ-
қиқ, маҳрум бўлибди»,
дедилар».

Насий ва Байҳақий ривоят қилганлар.

Ушбу сонимизни
муборак Рамазон тўқфаси
сифатида қабул қилгайсиз.

"Омина" электрон
журнаилининг ҳайъат
аъзолари:

Одинахон Муҳаммад Юсуф
Барно Саидрахмон
Шаҳноза Тўрахўжаева
Дилафруз Юсупова
Азиза Жалолиддинова
Назокат Касимова
Гўзал Дадамўхамедова
Зўҳраҳон Ҳамдамова

Дизайнер:
Рухсора Азизова



Рамазон

муборақ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!

Рамазон рўзасини бандаларига фарз қилган Ҳақ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин!

Рамазон ойига, рўза ибодатини адо этишга оид аҳкомларни умматларига ўргатган Расули Акрамга салоту саломлар бўлсин!

Мухтарам мухлис ва мухлисалар!

Кечалари қоим, кундузлари соим бўлиб ўтказадиган ушбу муборақ ой барчангизга қутлуғ бўлсин!

Юртимизда ўтган йилги Рамазон ойи билан буниси орасида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди, қувончли хабарлар, воқеа-ҳодисалар кўп бўлди, бир қанча ислохотлар қилинди. Жумладан, юртимиз бўйлаб ўтказилган Қуръони Карим тиловати мусобақалари чинакам байрамга, шодиёнага айланди.

Айнан мазкур байрамлар асносида «Ҳилол» нашриётида Мусҳафи шарифнинг чоп этилиши ва сотувга чиқиши халқимиз томонидан катта севинч ила қарши олинди.

Барчамизнинг устозимиз, падари бузрукворимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг мамлакатимиз раҳбари томонидан муносиб эътироф этилиши дилларга сурур ва таскин берди.

Китобхонликка тарғибот, муборақ ҳаж ва умра ибодатларига оид янги қарорлар ҳар бир мўмин-мусулмонга қувонч бахш этди.

Умуман, ҳар жабҳада олиб борилаётган хайрли ишларнинг адоғи йўқ.

Куни кеча эълон қилинган «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимизнинг фармони ҳам айна вақтида имзоланган ҳужжат бўлди. Фармонда динимиз қадриятлари эъзозланиб, уларга давлат миқёсида эътибор қаратилгани (масалан, Вақф фондининг ташкил этилиши) эътиборга молик.

Буларнинг барчаси учун аввало Аллоҳ таолога ҳамду сано айтамыз. Бу ишларнинг сабабчиси, уларга бошчилик қилаётган мухтарам Раҳбаримизнинг, шунингдек, у кишига елкадош бўлиб турганларнинг ҳаққига дуои хайрлар қиламыз.

Азизлар, мана шу неъматларнинг шукронаси учун, келгуси Рамазон ойларига янада яхши ҳолатларда етиб боришимиз учун бу улўғ ойни Аллоҳни рози қиладиган даражада ўтказишга ҳаракат қилайлик.

Шундай буюк ишлар амалга ошаётган бир пайтда доимо дуода, бир-биримиз ҳақимизда яхши гўмонда, ўзаро кечиримли бўлайлик. Турли ихтилофларга барҳам берайлик, ҳаддимиздан ошмайлик. Аллоҳ таолонинг бераётган яхши кунларига муносиб шукр келтирайлик.

Дуолар мустажоб бўладиган бу улўғ ойда ер юзининг айрим нуқталарида содир этилаётган хунрезликларнинг, мусулмонларга бўлаётган тазйиқларнинг барҳам топишини, бу ишларнинг бошида турганларга инсоф-тавфиқ беришини Аллоҳ таолодан сўраб дуо қилайлик.

Фазилатли бу ойда ҳар биримизга нафақат жисмларимиз, балки қалбларимизнинг ҳам покланиши насиб этсин!

Рўзанинг шарофатидан фақатгина баданларимиз эмас, ақлимиз, юрагимиз, фикримиз ва ҳисларимиз ҳам соғлом бўлсин, иймон ва тақволаримиз тоблансин!

Рамазон муборақ бўлсин!

Одинахон Муҳаммад Юсуф

РАМАЗОНГА ОИД ҲУКМЛАР

1. «Рамазон» сўзи қандай маънони англатади?

«Қуръони Карим сўзлари маънолари» номли китоб соҳиби Роғиб шундай деган:

«Рамазон» сўзи «ромаз» калимасидан олинган бўлиб, қуёшнинг қаттиқ қиздиришини англатади. Рамазон ойининг рўзаси қуёш барча нарсани қиздиргани каби гуноҳларни куйдириб ташлагани учун шундай номланган».

Машҳур «Ал-Кашшоф» тафсири соҳиби Замахшарийнинг айтишича:

«Араблар ой номларини эски луғатдан кўчирган пайтларида ҳар бир ойни у тўғри келган вақтга қараб номлаганлар. Ўшанда бу ой қаттиқ иссиқ маҳалга тўғри келган ва шунинг учун уни «рамазон» («қаттиқ иссиқ») деб аташган».

2. «Рўза»нинг маъноси нима?

«Рўза» араб тилида «савм» дейилиб, луғатда «ўзини тийиш» деган маънони билдиради. Шариатда эса Рамазон ойида тонг отгандан қуёш ботгунча ният билан ейишишдан ва шаҳвоний амаллардан ўзини тийиб туришга айтилади.

3. Аввалги умматларга ҳам рўза тутиш фарз қилинганми?

Аллоҳ таоло аввалги умматларга ҳам рўза тутишни

фарз қилган. Лекин уни адо этиш турлича кўринишда бўлган. Аҳли китоблар, жумладан, насронийлар Аллоҳнинг амрига ўзгартириш киритишган. Бунинг сабаби уларнинг рўза тутадиган ойлари худди биздаги каби баъзан қаттиқ иссиққа, баъзан эса қаттиқ совуққа тўғри келган. Шунда улар мўътадил ҳавони истаб, рўзани баҳор фаслига кўчириб олишган ва қилган ишларига каффорот бўлиши учун яна йигирма кунни зиёда қилиб, ўттиз кунлик рўзани эллик кунга оширишган.

4. Муслмонларга Рамазон ойининг рўзасидан олдин рўза тутиш фарз қилинганми?

Жумҳур уламолари ва аксарият муфассирларнинг фикрига кўра, муслмонларга Рамазон ойининг рўзасидан олдин бошқа рўза фарз қилинмаган.

Уларнинг далили қуйидагича:

«Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди» (*Бақара сураси, 183-оят*) ояти мужмал бўлиб, рўзанинг бирикки ёки ундан кўпроқ кундан иборат бўлиши мумкинлигига далолат қилади. Ундан кейинги «Саноқли кунларда» (*Бақара сураси, 184-оят*) ояти рўза кунларининг бир ҳафта ёки бир ой бўлиши мумкинлигини тақозо қилади. Аллоҳ таолонинг «Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳам-

да ҳидоят фуққондан иборат очиқ-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, унинг рўзасини тутсин» (*Бақара сураси, 185-оят*) деган сўзлари ана шу «саноқли кунлар» Рамазон ойи эканини баён қилади. Бундан муслмонларга фақат Рамазон рўзаси фарз қилингани маълум бўлади.

5. Қандай касаллик ёки қандай сафар рўзани қазо қилишга сабаб бўлиши мумкин?

Рўза тутишнинг ўзига яраша машаққати бор. Шунинг учун Аллоҳ таоло бемор ва мусофир бандаларига енгиллик берди. У Зот: «Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан» (*Бақара сураси, 185-оят*) деб марҳамат қилди.

Аҳли зоҳир юқоридаги ояти кариманинг зоҳиридан келиб чиқиб, арзимас бўлса ҳам, ҳар қандай касаллик ва қисқа бўлса ҳам, ҳар қандай сафар рўзани қазо қилишга сабаб бўлади, дейишган. Уларнинг фикрига кўра, бармоғи ёки тиши оғриб қолган одам ҳам рўза тутмайди.

Тўртала мазҳаб имомлари: «Ояти каримада назарда тутилган беморликдан мурод – нафсга зарар етказувчи ёки касалликни зиёда қилувчи ё шифонинг кечикишига олиб келувчи қаттиқ касалликдир.



Сафардан мурод – кўп ҳолларда машаққатга сабаб бўлувчи узоқ сафардир», дейишган. Уларнинг далили қуйидагича: машаққат ва қийинчиликка олиб келмайдиган ҳар қандай беморлик ёки мусофирлик рўзани қазо қилишга сабаб бўлмайди. Қуръони Каримда: «Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади ва сизларга қийинликни ирода қилмайди» (Бақара сураси, 185-оят), дейилган. Шундай экан, агар касаллик енгил, сафар яқин бўлса, рўзадор машаққат чекиши мумкинми? Бармоғи ёки тиши оғриган киши учун рўза тутиш қандай қийинчилик туғдириши мумкин?

6. Бемор ёки мусофир рўза тутгани афзалми ёки қазо қилганими?

Бу ҳақда имом Абу Ҳанифа, имом Шофеъий ва имом Моликлар шундай фикрга келганлар: «Кучи етган киши рўза тутгани афзалроқ. Чунки Аллоҳ таоло:

«Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир» (Бақара сураси, 184-оят), дея марҳамат қилган. Кучи етмаган киши эса қазо қилгани яхшироқ. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

«Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади ва сизларга қийинликни ирода қилмайди», демоқда (Бақара сураси, 184-оят).

Имом Аҳмад эса: «Бемор ва мусофирлар (Қуръондаги) рухсатдан фойдаланиб, рўзани қазо қилганлари афзал. Зеро, Аллоҳ таоло фарз қилган амаллари бажарилишини яхши кўргани каби рухсат берган нарсаларига амал қилинишини ҳам яхши кўради», деганлар.

Умар ибн Абдулазиз: «Қайси бири инсон учун енгил бўлса, шуни қилгани афзал», деганлар.

Албатта, бу масалада биринчи зикр қилинган мазҳаб далиллари кучли бўлгани учун рожиҳдир (амал қилинади).

7. Аллоҳ таолонинг «Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида фидя – бир мискин таоми бордир», деган сўзида кимлар назарда тутилган?

«Уни қийналиб тутадиганлар»дан мурод – жуда кексайиб қолган кишилардир. Чунки улар рўза тутишга кучлари етгани билан қийинчилик сезадилар. Қолаверса, ожизликлари тобора ортса ортадики, камаймайди. Шунинг учун улар рўза тутмасдан ҳар бир кун эвазига бир мискинга таом берадилар. Бу уларнинг тутмаган рўзалари учун фидя бўлади. Шифо топишидан умид узилган бемор ҳам шулар жумласига кирилади.

Ибн Аббос айтади: «Ўта кексайиб қолган кишиларга рўза тутмасдан ҳар бир кун учун бир мискинни тўйдиришига рухсат берилди. Унинг зиммасида қазосини адо қилиш йўқ».

8. Ҳомиладор ва эмизикли аёлнинг ҳукми қандай бўлади?

Ҳомиладор ёки эмизикли аёл рўза сабабли ўзи ёки боласига зарар етишидан қўрқса, рўзани қазо қилади. У бемор ҳукмида бўлади. Ҳасан Басрийдан: «Ҳомиладор ёки эмизикли аёл ўзи ёки боласига зарар етиб қолишидан қўрқса, нима қилади?» деб сўрашди. Шунда у киши: «Ҳомиладорликдан ҳам қаттиқроқ касаллик бўлиши мумкинми?! Улар оғизларини очиб, кейин қазосини тутадилар», деди.

Юқоридаги ҳукмга барча мазҳаббоши имомлар иттифоқ қилишган. Лекин баъзилари, жумладан, имом Шофеъий ҳамда Аҳмад: «Ҳомиладор ва эмизикли аёл қазо билан биргаликда ҳар бир рўза тутма-

ган куни учун фидя ҳам беради», дейишган. Бундай дейишларининг сабаби улар ҳомиладор ва эмизиклиларни «Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида фидя – бир мискин таоми бордир» оятидаги «уни қийналиб тутадиганлар»га қўшганлар. Рўза тутишга қийналадиган қариялар рўза тутмасдан фидя берганлари каби улар ҳам фидя беришлари лозим, деганлар.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ эса: «Ҳомиладор ва эмизикли аёллар фақат қазо рўза тутадилар, фидя бериш уларнинг зиммасига вожиб бўлмайди», деганлар.

Абу Ҳанифанинг далили:

«Биринчидан – ҳомиладор ва эмизикли аёл бемор ҳукмида бўлади. Имом Ҳасан Басрийнинг гапига эътибор бермайсанми, ахир у киши: «Ҳомиладорликдан ҳам қаттиқроқ касаллик бўлиши мумкинми?! Улар оғизларини очиб, кейин қазосини тутадилар», демадиларми?»

Иккинчидан – ўта қари одамдан рўза тутиш бутунлай соқит бўлган, шунинг учун ҳам унга қазо тутиш вожиб эмас. У қазо ўрнига фидя беради. Ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг узри завол бўлади, яъни ана шу узр йўқ бўлгач, уларга қазо рўзасини тутиш вожиб бўлади. Агар уларга фидя беришни ҳам вожиб, десак, икки бадални жамлаган бўламиз. Икки бадални жамлаш эса жоиз эмас. Негаки, фидя ҳам бадал, қазо ҳам. Уларни жамлаш мумкин эмас. Чунки уларнинг бири вожиб, иккаласи эмас».

Шайх Муҳаммад Алий ас-Собунийнинг «Ҳукм оятларининг тафсири» китоби асосида Умму Билол тайёрлади.

Аёллар

ТАРОВЕҲ НАМОЗИНИ ҚАНДАЙ АДО ЭТАДИЛАР?



Мана, муборак Рамазон ойининг хуш ифори димоғларимизга келиб урила бошлади. Бу ой нафақат рўза ибодати адо этиладиган ой, балки таровеҳ ва хатми Қуръонлар мавсуми ўлароқ, руҳиятимизда ўзгача ўрин тутди.

Таровеҳ суннат, нафл намоз бўлса-да, мўмин-муслмонлар наздида унинг қиймати бошқа нафллардан беқиёс даражада юксак. Жумладан, муслима аёллар таровеҳ намозини адо этишга алоҳида қунт қиладилар. Аммо эътибор берилса, омма ўртасида бу борада қарашлар турли-

ча, кўпинча мавҳум ҳолатда эканини кузатиш мумкин. Шу боис бу мавзуда саҳифа қоралашга қарор қилинди. Мавзунини ўрганишни қулайлаштириш учун мақолани савол-жавоб усулида олиб борсак.

Таровеҳ намози аёлларга ҳам суннатми?

Таровеҳ намози суннатлиги хусусида келган барча шаръий далилларда умумий лафз ишлатилган бўлиб, улар эркагу аёлни ўз ичига олади. Бинобарин, таровеҳ намозини ўқиш аёлларга ҳам суннат ҳи-

собланади. Жумладан, имом Бухорий ривоят қилган машҳур ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Рамазонда иймон билан, савоб умидида қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», дея таъкидлаганлар. Яъни эркакми-аёлми, ёшми-қарими, ким бўлса ҳам, демоқчилар. Рамазон кечаларида қоим бўлиш деганда, аввало, таровеҳ намози тушунилади.

Аёллар билан эркаклар ўртасида таровеҳ намозини адо этишда маълум фарқ борми?



Йўқ, таровехнинг ракатлари адади, икки ракатдан ҳам, тўрт ракатдан ҳам ўқиш жоизлиги, тарвиҳа – ҳар тўрт ракатда тин олиш каби таровехга оид масалаларда аёлларга хос бирор кўрсатма айтилмаган.

Таровех намозини аёллар қаерда ўқиганлари афзал: масжиддами ёки уйдами?

Аёллар учун фарз намозларда ҳам жамоат буюрилмаган. Таровехни масжидда адо этиш масъулияти ҳам эркакларга юклатилган. Зотан, ҳадиси шарифларда аёллар қанчалар панада намоз ўқисалар, шунча яхши экани таъкидланади.

Имом Аҳмад ўз санади ила Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Аёлларнинг энг яхши масжидлари уйлариинг энг ичкарасидир», дедилар».

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Аёлларингизни масжиддан ман қилманг, бироқ улар учун уйлари яхшироқдир», деганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснад»да нақл қилади:

«Умму Ҳумайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, у Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мен сиз билан бирга намоз ўқишни яхши кўраман», дебди. У зот: «Мен билан бирга намоз ўқишни яхши кўришингни биламан, бироқ уйингдаги намозинг сен учун ҳужрангдаги намозингдан яхшидир, ҳужрангдаги намозинг ҳовлингдаги намозингдан яхшидир, ҳовлингдаги намозинг қавмингнинг масжидидаги намозингдан яхшидир,

қавмингнинг масжидидаги намозинг менинг масжидидаги намозингдан яхшидир», дедилар. Шунда аёл уйининг энг чеккасига ва энг қоронғи жойига бир намозгоҳ қуришларини буюрди ва Аллоҳ азза ва жаллага йўлиққунича ўша жойда намоз ўқиб ўтди».

Қаранг, саодат замонидаги аёл учун ўз уйидаги намози ҳатто Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг масжидларида у зот билан намоз ўқишдан ҳам афзал, дейилмоқда. Бироқ бу афзаллик аёлларнинг айрим ўринларда масжиддаги эркаклар жамоасига тобе ҳолда таровех намози ўқишларини ман қилмайди. Мисол учун аёллар умра зиёратида бўлганда икки ҳарамда ва бошқа сафарларда масжидларда аёлларга ажратилган хос жойда эркаклар жамоасига эргашиб таровех ўқишлари жоиз. Хусусан, уйда, хонада бўлганда дангасалик ғолиб келишидан қўрқилганда, шунингдек, қўшимча илм-маърифат талаби ҳам қасд қилинганда мазкур масжидларда таровех ўқиш афзал бўлади. Шарти – аёлнинг иффати, шаънига таҳдид ҳамда фитна хавфи бўлмаслиги, ўзи сатрда ва хушбўйланмаган бўлиши лозим. Фикҳий китобларимизда ёш аёлларнинг масжидга қатнаши макруҳ, дейилгани ҳам шу эътибордандир.

Аёллар уйларида таровехни жамоат бўлиб ўқишлари мумкинми?

Аёллар ўзаро илм улашиш, бир-бирларига далда бўлиш мақсадида бир жойда жамланиб, алоҳида-алоҳида таровех ўқишлари аслида жоиз амал. Аммо аёлларнинг ўзлари намозни жамоат бўлиб ўқишлари макруҳ ҳисоблана-

ди. Айримлар масалани яхши билмаганидан бошқача йўл тутиб қўйиши мумкин. Шу боис бу борада мазҳабимиз манбаларида нима дейилганини яхши билиб олишимиз лозим. Бу ҳақда «Мухтасар»да шундай дейилган:

«Аёлларнинг ўзлари жамоат бўлишлари ҳам (макруҳдир)».

Аёл нозик хилқат, уларнинг ўзлари жамоат бўлиб, бирлари имом бўлиши турли ноқулайликлар келтириб чиқариши бор ҳақиқат Шу боис уламолар уларнинг ўзаро жамоат бўлиб намоз ўқишларини макруҳ санаганлар. Бироқ агар улар жамоат бўлиб, бирортаси имом бўлса, фикҳга кўра, намоз макруҳлик билан бўлса-да, адо топади. Бундай пайтда имом бўлган аёл саф ўртасида турса-да, олдида чиқмайди ва такбиру қироатларни жаҳрий қилади. Аммо уламоларимиз буни маъқул кўрмай келганларини унутмаслик керак. Шу боис аёллар тўпланиб қолиб, таровех ўқийдиган бўлсалар ҳам, якка-якка ўқишлари мақсадга мувофиқ. Бироқ Қуръонни ёд олган қориялар ҳифзни мустаҳкамлаш учун ўзлари таровех ўқиганда уй ичида бироз овозларини чиқариб намозда хатм қилсалар, жоиздир.

Аёллар уйда маҳрам эркакларига иқтидо қилган ҳолатда жамоат бўлиб таровех ўқишлари жоиз. Мисол учун отаси, эри, ўғли, жияни хонадонда таровех ўқиб берса, хусусан, унда хатм қилиб берадиган бўлса, аёллар орқа сафда туриб, уларга иқтидо қилиши мумкин. Шунингдек, ҳар қандай эркак имомга орқа сафда туриб иқтидо қилган ҳолатда намоз ўқишлари ҳам жоиз.

Бунда аввал эркаклар, кейин болалар, сўнг аёллар саф тортадилар. Бунинг далили қуйидаги ҳадисдир:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّى النَّبِيُّ ﷺ فِي بَيْتِ أُمِّ سَلَيْمٍ، فَقُمْتُ وَيَسِيْرٌ خَلْفَهُ، وَأُمُّ سَلَيْمٍ خَلْفَنَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Сулаймнинг уйида намоз ўқидилар. Мен ва бир етим бола у зотнинг орқаларида турдик. Умму Сулайм эса бизнинг орқамизда турди».

Имом Бухорий ривоят қилган.

خَلْفَ ذَلِكَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ва улардан бир аёлга имомлик қилдилар. Бас, уни ўнг томонларига, аёлни эса унинг орқасига қўйдилар».

Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Аёл киши таровеҳ намозини ўқишга қанчалар берилиши матлуб?

Турмуш қурган аёл тунда узоқ вақт таровеҳ билан машғул бўлишни ирода қилса, эридан рухсат олиши лозим. Шунингдек, таровеҳни ўзини

васаллам (масжидга) кирсалар, икки устун орасига арқон боғлаб қўйилган экан. Шунда: «Бу арқон нима?» дедилар. «Бу Зайнабнинг арқони, толиққанда осилиб олади», дейишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, уни ечинглар. Ҳар бирингиз тетиклигида намоз ўқисин. Қачон толиқса, ўтириб олсин», дедилар».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар Рамазон кечаларида таровеҳ намозини адо этиб, улў ажрларга эга бўлишда эркаклар билан баробардилар. Фақат уларнинг ифбатлари, латофатлари, улўворликларига муносиб тарзда улар



Агар бир эркак ва бир аёл, масалан, эр ва хотин ёки ўғил ва она жамоат бўлса, аёл эркакнинг орқасида туради. Борди-ю, яна бирорта эркак киши ёки ўғил бола ҳам иқтидо қиладиган бўлса, у имомнинг ўнг тарафида туради, аёл орқада туради.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَمَّهُ وَامْرَأَةً مِنْهُمْ، فَجَعَلَهُ عَنْ يَمِينِهِ، وَالْمَرْأَةَ

ортиқча толиқтирмаган ҳолатда адо этиб бориши ҳам матлубдир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلَ النَّبِيُّ ﷺ فَإِذَا حَبْلٌ مَمْدُودٌ بَيْنَ السَّارِيَيْنِ فَقَالَ: «مَا هَذَا الْحَبْلُ؟» قَالُوا: هَذَا حَبْلٌ لِرَبِّ النَّبِيِّ ﷺ فَإِذَا فَتَرْتُ تَعَلَّقْتُ فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «لَا، حُلُوهُ، لِيُصَلَ أَحَدُكُمْ نَشَاطُهُ، فَإِذَا فَتَرَ فَلْيَقْعُدْ».

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи

учун ўз уйлари масжиддан афзал қилиб берилган. Бироз қунт қилиб, уларини ибодат билан обод этсалар, уйда туриб ҳам жуда улкан ажру савобларга, фазилатларга эга бўлишлари мумкин. Шу билан бирга уларга уйда ўз маҳрамларига иқтидо қилиш имкониятлари таъкидлаши маҳрамлари, ўғилларини аҳли Қуръон қилиб тарбия этишларига туртки бўлса, ажаб эмас.



Умму Салама

Исмлари: Ҳинд бинти Умайя ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум ибн Яқзо ибн Мурра Махзумийя.

Илк муҳожира аёллардан бири. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин уларнинг эмикдош акалари Абдуллоҳ ибн Абдул Асаднинг аёли бўлганлар.

Фарзандлари: Умар, Салама, Зайнаб.

Насабли, гўзал, фақиҳа саҳобийялардан.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан уч юз етмиш саккизта ҳадис ривоят қилганлар.

Маккада тазйиқ кучайганда бир гуруҳ муслмонлар орасида эрлари билан Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар, қизлари Зайнаб ва ўғиллар Салама ҳам ўша ерда дунёга келган. Ўшандан кейин Ҳинд бинти Абу Умома розияллоҳу анҳо Умму Салама деб, эрлари Абдуллоҳ ибн Абдул Асад Абу Салама деб аталадиган бўлди.

Умму Салама Мадинага ҳижрат қилган илк аёллар сафида бўлганлар. Бу ҳақда ўзлари шундай деганлар:

«Абу Салама Мадинага чиқишга азму қарор қил-

ганда менинг учун туясини ҳозирлади. Сўнгра мени унга мингазди. Бирга ўғлим Саламани ҳам олдим. Бола қўйнимда эди. Кейин туясини ҳайдаб йўлга тушди. Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзумнинг одамлари уни кўриб ўринларидан турдилар ва: «Ўзинг-ку бизга кўнмай кетмоқдасан, мана бу соҳибангга нима бор? Нима учун юртда истаганингни қилиб юришингга қўйиб қўяр эканмиз?» дедилар. Улар унинг қўлидан туянинг тизгинини тортиб олдилар ва мени ўзлари



билан олиб қолдилар. Ана шунда Абу Саламинг уруғи – Бани Асад ғазабга келди.

Улар:

«Аллоҳга қасамки, агар уни бизнинг соҳибимиздан тортиб олиб қоладиган бўлсангиз, биз ҳам ўғлимизни у билан бирга қўймаймиз!» дедилар.

Бас, улар ўғлим Саламани ўзаро талашиб-тортишиб кетдилар. Охири унинг қўлини чиқариб ҳам қўйишди. Бани асадликлар уни олиб кетишди. Бани муғйираликлар мени тутиб қолишди.

Эрим Абу Салама Мадинага қараб кетворди. Мени ҳам эримдан, ҳам ўғлимдан жудо қилишди. Ҳар куни эрталаб Абтоҳга чиқиб ўтирар эдим. Кеч киргунча йиғлардим. Шу алфозда бир йил ёки бир йилга яқин вақт ўтди. Бир вақт олдимдан амакимнинг уруғидан бир киши ўтиб қолди. У Бани Муғйирадан эди. Менинг ҳолимни кўрди. Менга раҳми келди. У Бани муғйираликларга:

«Манави бечорани чиқариб юбормайсизларми?! Уни боласидан жудо қилибсизлар-ку!» деди.

«Агар хоҳласанг, бориб эрингга қўшилиб ол», дейишди.

Шундагина Бани асадликлар менга ўғлимни қайтаришди.

Бас, мен туямни ҳозирладим. Сўнгра ўғлимни олиб,

қўйнимга солдим ва Мадинадаги эрим томон равона бўлдим».

Умар ибн Абу Саламадан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам отамни тўртинчи йили муҳаррам ойида Абу Қотанга юбордилар. Отам у ерда йигирма тўққиз кеча қолиб кетдилар. Кейин сафар ойида қайтдилар. Уҳуд жангида олган жароҳатлари ёмон бўлган ҳолда келдилар. Жумадул охир ойдан саккиз кун қолганда жароҳатлари сабабидан вафот этдилар. Онамнинг иддалари шаввол ойида тугаб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уларга ўйландилар».

Ривоят қилинишича, Умму Салама Абу Саламага: «Мен эшитишимча, қайси аёлнинг эри ўлса-ю, у жаннат аҳлидан бўлса, аёл ундан кейин эрга тегмай ўтса, Аллоҳ уларни жаннатда бирга қилар экан. Келинг, аҳдлашайлик, сиз ҳам мендан кейин ўланмайсиз, мен ҳам сиздан кейин эрга тегмайман», дедилар.

Абу Салама: «Менга итоат қиласанми?» дедилар.

Умму Салама: «Ҳа», дедилар.

Абу Салама: «Мен ўлсам, эрга тег», дедилар ва қўлларини кўтариб: «Аллоҳим! Умму Саламага мендан кейин мендан яхши эр насиб этгин. Уни хафа қилмайдиган ва унга озор бермайдиган бўлсин», деб

дуо қилдилар.

Умму Салама айтадилар: «Абу Салама ўлганда Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам олдиларига келдим ва: «Эй Аллоҳнинг расули, Абу Салама ўлди», дедим.

«Аллоҳим, мени ҳам, уни ҳам мағфират қилгин ва менга ундан яхши орқада қолувчи бергин», деб айт», дедилар.

Мен уни айтдим ва Аллоҳ менга ундан яхши ортда қолувчини берди!»

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам умрани ният қилиб Макка томон юрганларида Умму Салама у зот билан бирга бўлганлар. Қурайш уларнинг умра қилишига қарши чиқиб, ўртада сулҳ тузилгач, Набий соллalloҳу алайҳи васаллам саҳобаларига қурбонликларини сўйиб, сочларини олишни буюрдилар, лекин улар бунга кўнмадилар. Шунда Умму Саламинг оқилона маслаҳатлари билан у зотнинг ўзлари туяларини сўйиб, сочларини олдирдилар. Буни кўрган барча саҳобийлар биринкетин туриб, қурбонликларини сўйиб, бир-бирларининг сочларини олдилар.

Умму Салама ҳижрий элик тўққизинчи йилда саксон тўрт ёшларида вафот этганлар. Жанозаларини Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўқиганлар. Улар мўминларнинг оналари ичида энг сўнги вафот этган зотдирлар.

Муслима Қодирова



БОШИМИЗГА СОЯБОН БЎЛИБ КЕЛГАН

Бисмиллаҳир Роҳманир
Роҳийм.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Ражаб ойи кирса, «Ё Аллоҳ, бизга Ражаб ва Шаъбонда барака бергин ҳамда Рамазонга етказгин», деб дуо қилардилар.

(Имом Аҳмад ривояти)

РАМАЗОН



Муборак Рамазон ойи муносабати билан «Омина» электрон журналнинг махсус сонини тайёрлар эканмиз, уламолар хонадонидан узоқ вақт давомида амал қилинган Рамазон анъаналари билан қизиқдик. Зеро, айнан шу оилалар, сулолалар сабаб динимиз софлиги, унинг асослари-ю анъаналари сақланиб, бугунги кунларимизгача етиб келган. Шу муносабат билан машҳур олим, Ислom дини раvнақи йўлида улкан хизматлар қилган дин арбоби Ислom Махдум Саттиев зурриётларидан Маҳфузахон Исмоил Маҳдум қизига мурожаат этдик.

Маълумки, Рамазон ойи мусулмонлар учун жуда се-

вимли ойдир. Мазкур ойда мўмин-мўминалар Аллоҳнинг фарзи бўлган рўзани тўлиқ тутиб беришади. Айтинг-чи, собиқ Совет даврида бу фарзга қандай амал қилинган? Ахир у пайтларда динга тақиқ кучли бўлган, атеизм ҳукм сурган паллалар эди. Рўза шартларини бажариш мусулмонлар учун қанчалик оғир ёки енгил кечган?

– Бу савол менга мактабнинг бошланғич синфларида ўқиб юрган вақтларимни эслатди. Ўша пайтда Рамазон қиш ойларига тўғри келар эди (1966–67 йиллар). Онажоним ошхонадаги ўчоқда ошни дамлаб, олов чўғларини бир жойга тўплаб, акаларимизни саҳарликка уйғотиб келишни айттардилар. Уларнинг хонаси

ҳовлининг нариги тарафида эди. Йўлакдан қалин қорни ғарж-ғурч босиб бориб, акаларимизни уйғотиб келишимиз эсимга келди. Гоҳида кундузи танча ёнида ўтириб, ифтор вақти келгунча бироз пистани чақиб, мағзини кейин ейман, деб тўплаб қўйганим ёдимда.

Бир кун мактабда ўқитувчимиз «Уйингизда кимлар рўза тутуди?» деса, мен мактабим ўзимдан бошқа ҳамма тутишини айтиб бердим. Ваҳоланки, катта синфдаги опаларим бунинг орқасидан тазйиққа учраб қолишларини тушунмаган эдим. Чунки у даврларда мактабларда «Дин афюндир», «Рўза саломатликка зарар беради» каби шиорлар йўлак деворларига осиб қўйилар, ўқитувчилар синф-

ларга бирма-бир кириб, ўқувчиларининг оғзи очиқлигини (рўзами-йўқми эканини) текшириб кўришар эди. Мана шундай ҳолатлар ёш авлоднинг тарбиясида чуқур из қолдирадиган омил бўлиш хавфини туғдиради. Катта бўлиб, турмушга чиқиб, асосан уй бекаси бўлиб яшаганим учун, Аллоҳга шукр, рўза шартларини бажаришда тазйиққа дуч келмаганман.

Лекин ҳозирги даврдаги каби Рамазон шукӯҳи, масжидлардаги тантанали ҳолатлар, хатмлар, таровеҳдаги мавъизалар у пайтларда эркин ҳолда бўлмаган. Ўша даврлардаги одамларни динларидан узоқлаштирувчи бундай ташвиқотлар, албатта, бизни ташвишга соларди.

Рамазон ойи шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари китобларида қандай талқин этилади?

– Мен у зотнинг асарлари ҳақида сўзлашга ожизман. Ҳазратимизнинг Рамазонга аталган илк битиклари «Рамазонни қаршилаб» рисоласини, «Кифоя» асарларидаги «Рўза» китоби бобини, «Ҳадис ва Ҳаёт» жамланмасининг «Рўза» номли 9-жузини, «Мўминнинг қалқони» деган китобларини ўқиб, ўқувчилар бу шарафли ой ҳақида билим оладилар. Яна «Тафсири ҳилол»даги Рамазон рўзасига

боғлиқ оятлар тафсирида гўзал шарҳларни кўрамиз. «Зикр аҳлидан сўранг» китобида эса аксар жавоблар рўза аҳкомларига тегишли. «Рухий тарбия» китобида, жумладан, рўзанинг сир-асрорлари ҳақида қимматли кўрсатмаларни ёзганлар. «Рамазон туҳфалари» туркум суҳбатларида Ҳазратимиз кишиларга нақадар меҳрибонлик билан қилган насиҳату ваъзларида Рамазонга бўлган муҳаббатимизнинг осмон қадар юксалишига сабаб бўлар эдилар.

Ҳазрат Рамазон ойидаги диний суҳбатларни «Бошимизга соябон бўлиб кириб келган Рамазон ойи...» деб бошлашлари ҳали-ҳамон ҳаммамизнинг қулоқларимизда янграйди.

Шахсан ўзингиз бу муборак ойни қандай таърифлайсиз?

– Рамазон ойи бошимизга соябон бўлиб келиши фақатгина мусулмонларга эмас, бутун ер юзига, қолаверса, барча оламларгадир. Ундан раҳмат, мағфират улашувчи, дўзахдан халос қилувчи илоҳий ёмғирлар ёғади. Бу шарафли ой насиб қилган бандаларга Аллоҳнинг ажрлари етади.

Ғафлатда қолганлар эса гўёки шу ажиб ёмғирлардан ўзини олиб қочган, бу имкониятни ўзидан нари қилган нодонларга ўхшайди. Бу ахир улкан имконият ку! Раҳмли Аллоҳ бандаларига аввало фарзни адо этиб, гуноҳлардан покла-

ниш, ажр олиш «мукофоти» учун бошқа ойлардагидан бир неча баробар ортиғини ваъда қилиб турган бўлса. Жоиз бўлса, аёлларга мисол тариқасида айтаманки, қозон-товоқларимизни ҳар куни ювиб-тараб, йилда бир марта яхшилаб куйдириб оқартириб оламиз-ку, намоз, рўза ҳам банданинг гуноҳлардан кир бўлган руҳини, қалбини шундай ювади, куйдирган каби поклайди, иншааллоҳ.

Балоғат илмида эса худди иссиқ маъданнинг зангини куйдирганидек, Рамазон ҳам унинг рўзасини тутганларнинг гуноҳини куйдириб, ўзларини сайқаллаб, поклайди («Рамазонни қаршилаб»).

Аллоҳ асрасин, буни ғанимат билмаган киши гуноҳлар, кир ҳолида Роббисига йўлиқса, унга имкониятлар берилган эди-ку, энди жаҳаннам оловида куйдирилади, дейишса... Ўзинг асра, Аллоҳим. «Мўмин бандаларининг гуноҳи ва хатолигига» қалқон қилиб, рўзани Исломнинг фарз ибодатлари қаторига қўшган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. Умматларига чексиз муҳаббат ва шавқат кўрсатиб, рўза тутишни барча сир-асрорлари билан ўргатиб кетган ҳабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга абадул-абад салоту саломлар бўлсин («Мўминнинг қалқони» китобидан).

Ҳаётингизда Рамазон-



нинг барокатларидан бўлган бирон воқеани айтиб бера оласизми?

– «Ла илаҳа иллаллоҳ, нас-тағфируллоҳ, насъалукал жанната ва наъзу бика минан-нар» дегандаги қалбимнинг туб-тубидан чиқадиган илтижо йиғисини бошқа бир кундагига ўхшатмайман. Кейин Рамазондаги хатмнинг 30-порасини ўқиётганда ҳам ўзгача руҳий ҳолат сезади инсон.

Рамазон борасида бугунги ёшларга насиҳатингиз қандай?

– Ёшлар умрининг гўзал палласида яшар эканлар, ибодатларининг ҳам гўзал савоби салмоқли даври ёшлиқда эканини унутмасликларини истар



Диндан йироқ шўро даври

эдим. Катталар ҳам бу ойда уларга шароит яратиб қўйишларини, маслаҳатларини аямасликларини истаб қоламан.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадикки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Айтинглар-чи, агар бирингизнинг эшиги олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар кун беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?» дедилар. «У кишидан ҳеч нарса қолмайди», дейишди. «Ана шунга ўхшаб Аллоҳ беш вақт намоз ила

хатоларни ювади», дедилар (Имом Бухорий, Муслим, Термизий ривоятти).

Зухраҳон Ҳамдамова ва Муяссар Қажумовалар суҳбатлашишди.



Диндан йироқ шўро даври

АБУ ҒИЁС МАККИЙ ВА АЁЛИ ЛУБОБАНИНГ ҚИССАСИ

Аллоҳдан қўрқиш ҳамда дунё ҳаётида зоҳидлик сидқидиллик аломатларидандир. Иймонига садоқатли инсон ҳаромдан ҳазар қилади, жаннатга етишиш йўлида фақирлик ва машаққатларга сабрли бўлади. Бирор гуноҳ қилса, Аллоҳ таолога тавба қилиб гуноҳидан покланмагунича ухламайди.

Ибн Жарир Табароний ҳаётида гувоҳ бўлган ажойиб воқеани ҳикоя қилади:

– Маккада ҳаж мавсумида юрганимда хуросонлик бир кишининг: «Эй ҳожилар жамоаси! Эй Макка аҳли! Минг динор солинган ҳамёнимни йўқотиб қўйдим, кимда-ким уни менга қайтарса, Аллоҳ ўша одамнинг ажрини берсин ва дўзахдан озод қилсин! Унга охирада ажру савоблар бўлсин!» деб жар солаётганини кўрдим. Макка аҳлидан бўлган кекса чол унга: «Эй хуросонлик! Юртимизнинг ҳоли танг, ҳаж кунлари ва мавсумлари санокли, касби-кор эшиклари берк! Эҳтимол, айтаётган молинг бир фақир мўминнинг қўлига тушиб қолиб, сенга уни қайтарса, озгина нарса ва ҳалол мол берасан, деб умид қилаётгандир!» деди.

Хуросонлик киши: «Қанча мукофот хоҳларкан?» деб сўради.

Чол: «Юз динор», деди.

Хуросонлик киши норози бў-

либ: «Бермайман! Ўша одамнинг ишини Аллоҳга ҳавола қиламан! У Зотга йўлиқадиган кунимизда ўша кишидан Аллоҳга арз қиламан! Вакиликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир!» деди.

Хаёлимга бу кекса фақир чол ҳамённи топиб олган, ундан озгинасини олишни хоҳлаяпти, деган ўй келди. Уйига қайтгунича ортидан кузатдим. Ҳаммаси ўйлаганимдек бўлиб чиқди.

Чол аёлини «Эй Лубоба!» деб чақирганини эшитдим.

Аёл: «Лаббай, Абу Ғиёс!» деди.

Чол: «Молнинг эгаси ҳамёнини қидираётганини кўрдим, лекин топган одамга ҳеч нарса беришни хоҳламаяпти, унга юз динор бер, десам, рад этиб, мол ишини Аллоҳга ҳавола қилди. Нима қилай, Лубоба? Уни, албатта, қайтаришим керак, Роббимдан қўрқаман, гуноҳим кўпайишидан ҳам қўрқаман!» деди.

Аёли унга: «Эй эркак! Биз сен билан эллик йилдан бери фақирликдан азият чекамиз. Сенинг тўрт қизинг, икки синглинг, мен ва онам бор, сен тўққизинчимизсан! Бизнинг на қўйимиз, на ўтлоғимиз бор, ҳолимиз ўзингга маълум. Молнинг ҳаммасини олда, бизни кийдир, тўйдир. Шояд, бундан кейин Аллоҳ сени бадавлат қилиб, аҳлингни таомлан-

тирганингдан сўнг молни эгасига қайтарсанг ёки Аллоҳ мулк Моликники бўладиган Кунда қарзингни узса!» деди. Чол аёлига: «Эй Лубоба! Ёшим саксон олтига етганда ҳаромни ейманми?! Қабримга яқинлашиб қолганимда ўзимни Жабборнинг ғазабига дучор қиламанми?! Фақирликка шунча сабр қилиб, энди ичимни олов билан куйдираманми?! Йўқ! Аллоҳга қасамки, бундай қилмайман», деди.

Ортга қайтарканман, чол ва аёли ўртасида бўлган ишдан таажжубда эдим. Эртаси куни динор соҳиби: «Эй Макка аҳли! Эй ҳожилар жамоаси! Эй шаҳару чеккадан келган Аллоҳнинг элчилари! Кимда-ким ичига минг динор солинган ҳамённи топиб олса, уни менга қайтарсин. Ўша кишининг ажри Аллоҳнинг ҳузурнда!» деб яна жар солди.

Чол ўрнидан туриб унга: «Эй хуросонлик! Кеча сенга айтдим, насиҳат қилдим, Аллоҳга қасамки, юртимизнинг экини ҳам, чорваси ҳам кам. Молни топган кишига яхшилик қилиб бирор нарса бер, токи ўша одам шариатга хилоф иш қилмасин. Сенга топганга юз динор бер, десам, кўнмадинг. Агар молинг Аллоҳ азза ва жалладан қўрқадиган кишининг қўлига тушиб қолса, юз динор ўрнига ўн динор бўлса



хам берсанг, бу уларга ситр, ризқи рўз ва омонат бўларди», деди. Хуросонлик киши норози бўлиб: «Бермайман! Ўша одамнинг ишини Аллоҳга ҳавола қиламан! У Зотга йўлиқадиган кунимизда ўша кишини Аллоҳга арз қиламан!» деди.

Одамлар тарқалиб кетдилар. Эртаси куни молнинг соҳиби худди илгаригидек жар солаётганини эшитдим. У: «Эй ҳожилар жамоаси! Эй Макка аҳли! Минг динор солинган ҳамёнимни йўқотиб қўйдим, кимда-ким уни менга қайтарса, Аллоҳ ўша одамнинг ажрини берсин ва дўзахдан озод қилсин! Унга охиратда ажру савоблар бўлсин!» деб бақирарди. Кекса чол ўрнидан туриб: «Эй хуросонлик! Биринчи куни сенга ҳамённи топганга юз динор инъом қил, дедим, рад этдинг. Кейин ўн динор бер, дедим, бундан ҳам бош тортдинг. Ҳамённи топганга бир динор бўлса ҳам берсанг, шу пулнинг ярмига хоҳлаган нарсангни олиб, қолган ярмига соғим қўй олса, одамларга сут сотиб, болаларини тўйдириб қаноатланса!» деди.

Хуросонлик киши: «Бермайман! Ўша одамнинг ишини Аллоҳга ҳавола қиламан! У Зотга йўлиқадиган кунимизда ўша кишидан Аллоҳга арз қиламан! Вакиликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир!» деди. Шунда чол уни ўзи томонга тортди: «Бу ёққа кел, динорларингни ол-да, мени ўз ҳолимга қўй. Бу кеча ухлай, шу молни топганимдан бери ҳаловатим йўқ!» деди.

Чол молнинг соҳиби билан кетди. Уларнинг ортидан эргашдим. Чол уйга кириб, ерни кавлаб динорларни чиқарди ва: «Молнинг ол-да, Аллоҳдан мени афв қилишини ва Ўз фазлидан ризқлантиришини сўра!» деди. Хуросонлик киши молни олиб, эшик олди етганида тўхтаб деди: «Эй шайх, отам вафот этиб, менга уч минг динор қолдирганди. Отам менга шу молнинг учдан бири-

ни ҳақли деб билган одаминга бергин, деганди. Ўша молни ҳақли кишига инфоқ қиламан, деб мана шу ҳамёнга туггандим. Аллоҳга қасамки, Хуросондан чиқганимдан то бу ерга келгунимча қўлимдаги молга сендан-да ҳақли кимсани кўрмадим. Бунини ол, Аллоҳ баракасини берсин! Омонаткорлигинг ва фақирликка сабр қилганинг учун Аллоҳ сени мукофотласин!»

Чол ўрнидан туриб, йиғлаб дуога қўл очди: «Аллоҳ молнинг соҳибини қабрида Ўз раҳматига олсин! Фарзандига барака берсин!»

Хуросонлик кишининг ортидан кетаётганимда Абу Ғиёс (чол) етиб олиб, мени ортга қайтарди. «Ўтир, биринчи кун орқамдан келаётганингни кўргандим. Кечаги ва бугунги гаплардан ҳам хабаринг бор. Аҳмад ибн Юнусдан эшитдим, у Молиқдан, Молиқ Нофиъдан, Нофиъ Ибн Умардан, у эса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ва Алига: «Агар Аллоҳдан сўрамаган ёки нафсингиз унга интилмаган ҳолингизда бир ҳадяни келтиришса, уни қабул қилинглари, қайтарманглари! Уни Аллоҳ азза ва жаллага қайтарасизлар, бу Аллоҳдан ҳадя, ҳадя келган одамга бўлади», деганлар. Сўнг-ра чол: «Эй Лубоба, эй фалончи, эй пистончи», деб қизлари, икки синглиси, аёли ва унинг онасини чақирди. Кейин ўзи ўтириб, мени ҳам ўтқазди. Ўн киши бўлди. Ҳамённинг боғичини ечиб, этагинглари ёйинглари, деди. Мен этагимни ёйдим. Қолганларнинг ёядиган этаги ҳам йўқ эди, қўллари чўзишди. Ҳамён бўшагунча барчамизга бир динордан тарқатди. Ҳар биримизга юз динордан тегди.

Уларнинг бой бўлганига ўзимга теккан динордан ҳам кўпроқ суюндим. Уйдан чиқмоқчи бўл-

ганимда чол: «Эй йигит! Бундай молни ҳеч қачон кўрган ҳам, орзу қилган ҳам эмасман. Сенга насиҳатим: бу ҳалол мол, уни асра. Шунини билгинки, мен мана шу эгнимдаги чириган кийимда бомдод намозини ўқирдим. Кейин кўйлагимни ечиб, қизларим бирмабир намоз ўқиб олишлари учун берардим. Пешин ва аср намози ўртасида ишга кетиб, Аллоҳ насиба қилган хурмо ва нон билан уйга қайтардим. Қизларим пешин ва аср намозини ўқиб олишлари учун яна кўйлагимни уларга берардим. Шом ва хуфтонда ҳам шундай эди. Бунча динорларни ушлаб кўришни ҳам тасаввур қилолмасдик. Аллоҳ олганларимизни қизларимга ҳам, сен ва менга ҳам манфаатли қилсин! Молнинг соҳибини қабрида Ўз раҳматига олсин! Ўғлининг ҳам ажрини зиёда қилсин!» деди.

Чол билан хайрлашдим. Юз динорни олиб, ўша пулларни икки йил илмга сарфладим. Шу йил ичида уни озиқ-овқат, қоғоз сотиб олишга ва сафар харажатларига ишлатдим.

Ўн йил ўтиб, Маккага бордим. Чолни суриштирсам, ўша воқеадан бир неча ойлар ўтгандан кейин вафот этибди. Аёли, онаси, сингиллари ҳам ўтиб кетишган, фақат қизлари қолган экан. Улар ҳақида суриштириб, подшоҳ ва амирларга турмушга чиққанларини билдим. Чунки уларнинг омоноткорликлари донғи ҳамма ёққа тарқаган эди. Ўша қизларнинг турмуш ўртоқлари уйда меҳмон бўлардим. То вафот этгунларича менга иззат-икром кўрсатишди. Аллоҳ уларнинг охиратларини обод айласин!

**Муслима Қодирова
тайёрлади.**



«Рамазон ойида одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуқародан иборат очиқ-ойдин ҳужжатлар бўлиб Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, унинг рўзасини тутсин»

(Бақара сураси, 185-оят).

ҲАҚИҚИЙ РЎЗА ТУТАЙЛИК

Азизлар, юртимизни, бутун ер юзини яхшиликлару баракотга тўлдириб, мусулмонларга олам-олам қувончу шодлик улашиб, Аллоҳнинг каломи – Қуръони Карим нозил бўлган ой – муборак Рамазони шариф яқинлашиб келмоқда. Ҳа, бу ой чиндан ҳам раҳмат ойи, хайр-баракалар ойдир. Бу ой кириб келиши билан шайтонлар кишанланади, қалбдаги гина-ю гумонлар, аразу адоватлар барҳам топади, муҳтожларга кўмак берилади, беморларнинг дардига малҳам бўлинади, кишилар ғийбатдан, ёлғону бўҳтондан тийилади...

Ҳа, аслида шундай бўлиши керак.

Аммо холис ўйлаб кўрайликчи, Рамазон ойи сизу биз учун ҳам ана шундай гўзаллик касб этадими?

Бу саволга ҳеч шубҳаланмас-

дан, иккиланмасдан «Ҳа!» деб жавоб берганингизга озгина шубҳам бор. Нега дейсизми? Негагини ўзингиз яхши биласиз. Келинг, очиқчасига гаплашайлик, тўғрироғи, дардлашайлик.

Афсуски, Рамазонни кўпчилигимиз раҳмат ойи эмас, шунчаки Аллоҳнинг фарзини бажарадиган, яъни еб-ичишдан тийиладиган ой деб биламиз. Ҳатто Аллоҳ таоло нима учун бу ойда рўза тутишни фарз қилганини билмайдиганлар орамизда талайгина.

Бу ойда шайтонлар кишанлашини биламиз, эшитганмиз. Лекин биз буни ҳис қилмаймиз, бизни васваса қиладиган шайтон йўқ бўлса ҳам, алдов, фисқу фужур, ёлғону бўҳтон каби иллатлардан тийилмаймиз. Биргина мисол: ҳар йили Рамазон ойида ёши бир жойга бориб

қолган хотиннинг Тошкент шаҳридаги бозорлардан бири олдида бир литрлик идишни кўтариб олиб, «Қаймоқ олинлар», деб сотиб юрганини кўраман. Аммо бу шашанинг устида бир энлиқкина қаймоқ бор, холос. Таги эса ачиган қатиқ билан тўлдирилган. Ачинарлиси шуки, бу хотин одамларнинг рўзадорлигидан, «қаймоқ»дан татиб кўра олмаслигидан фойдаланиб, ана шундай қабих ишга қўл уради (ўзим ҳам, яқинларимиздан бир нечтаси ҳам унга бир неча бор алданганмиз).

Рамазон ойи – баракот ойи. Бу ойга Аллоҳ таолонинг Ўзи баракоти бериб қўйгани Қуръонда ҳам, ҳадисларда ҳам зикр қилинган. Лекин айнан шу ойда бозорлару дўконларда нарх-навонинг кўтарилиб кетишини қандай тушуниш мумкин? Аксинча, сотувчилар Рамазоннинг



баракотидан, яхшилигидан, рўздорларнинг ифторлик пайтида қиладиган мустажоб дуоларидан умидвор бўлиб, нархларни арзонлаштиришса эди, ана шунда бунинг учун ҳурмати, Қуръонга, ҳадисга ҳурмати, иймонининг тасдиғи, дейиш мумкин эди.

Рамазон келиши билан аразу адоватлар, гина-ю гумонлар барҳам топади, дедик. Лекин улар ўз-ўзидан барҳам топиб қолмайди. Бунинг учун кишидан алоҳида жидду жаҳд, саъй-ҳаракат лозим бўлади. Бунинг учун қалбидаги «мен»ини, кибрни енгиш талаб этилади. Айнан Рамазон ҳурматидан шундай қилган кишигина қийрот-қийрот ажру савобларга эришади. Бир ўйлаб, эслаб кўрайлик-чи, қай биримиз Рамазон ойнанинг ҳурматидан, савоб умидида бирор инсон билан орани ислоҳ қилганмиз ёки араз-гиналарни унутиб, муносабатларимизни яхшилаганмиз?

Мухтожларга ёрдам бериладиган, беморларнинг дардига малҳам бўлинадиган Рамазон ойида буларнинг акси бўлган ҳолатларни ҳар қадамда, ҳар куни учратиш мумкин. Фақат бу ойда эмас, бошқа пайтларда ҳам мухтожларга ёрдам берган одам аслида ўзининг хайрли амаллар сандиғини тўлдирган бўлади. Аммо Рамазоннинг баракоти туфайли бу ойда ҳар бир яхшилиқ етти юз баробаргача кўпайтириб берилади. Шунинг учун кўпчилик хайр-эҳсонни айнан Рамазонда кўпроқ қилишга интилади. Қалбида иймони бор, шариатимизнинг ҳар бир аҳкоми, ҳар бир кўрсатмасига амал қилувчи мўмин киши эса Рамазоннинг бу фазилатидан баҳраманд бўлишга ҳаммадан кўп ҳаракат қилиши лозим. Тўғри, юртдошларимиз орасида саховатли, фақирлар кўнглини овлашга ҳарис бўлган, фақат Рамазон ойида эмас, балки ҳар

куни, ҳар дамда мухтожларга ёрдам бериб, оғирини енгил қиладиган, ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган инсонлар сон-саноксиз. Лекин гап эгасини топади, дейилганидек, бу гаплардан кимлардир ўзи учун хулоса чиқариб олишидан умид қиламиз.

Рўза фақат еб-ичишни тарк этишдан иборат эмаслиги, балки рўздор одам ғийбат, бўҳтон, ёлғон каби иллатлардан ҳам сақланиши кераклиги ҳақидаги ўғитлар ҳар йили ушбу муборак ой кириб келиши билан такрор-такрор қулоққа чалинади. Лекин Аллоҳ розилиги учун ҳеч бўлмаса мана шу бир ой давомида биродарларини ғийбат қилмайдиган, яқинларини ҳам бу ёмон иллатдан қайтарадиган кишилар борми орамизда? Бор бўлса, алҳамдулиллаҳ! Лекин бу масалада ҳамма ҳам рисоладагидек эмас.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, Аллоҳ унинг еб-ичишни тарк қилишига мухтож эмас», дедилар» (*Имом Бухорий ва бошқалар ривоят қилган*).

Уламоларимиз: «Ушбу ҳадисдаги «ёлғон гапириш»га ғийбатчилик, чақимчилик, иғво ва бўҳтонлар ҳам киради», дейдилар.

Яна бир мулоҳаза. Сўнгги пайтларда Рамазон ойи йилнинг иссиқ ойларига тўғри келгани боис кўпгина кишиларнинг рўза тутмаганини кўряпмиз. Сабаби сўралса, аксарияти сувсизликдан қийналишини, кун жуда ҳам узоқлигини баҳона қилишади. Кўчада қўлида сув кўтариб юрган, таомхоналарда куппа-кундуз куни дўстлари, дугоналари билан бирга еб-ичиб, гурунглашиб ўтирганларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Тўғри, ҳар қандай шароитда ҳам ҳамма рўза тутиши шарт, де-

ган ҳукм йўқ. Шаръий узри сабаб рўза тутмаганларни қоралаб, айблашдан йироқмиз. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Лекин Рамазоннинг, рўздорларнинг ҳурмати бўлиши керак-ку! Бир яҳудий аёлнинг рўздорлар олдида нон еб турган ўғлига танбеҳ бергани учун жаннатга киргани ҳақида ҳаммамиз эшитганмиз. Мазкур ғайримуслим аёлнинг бу иши аслида ҳар бир мусулмон учун ибрат, намуна бўлиши лозим эмасми?

Азизлар, юқорида зикр этилган гаплар ҳеч биримиз учун янгилик эмас. Уларни ҳаммамиз эшитганмиз, биламиз. Бизнинг мақсадимиз Рамазони шариф олдида яна бир бор уларни ёдга солиб, огоҳлантириб қўйиш, холос. Уларга амал қилиб, ажру мукофотларга, олий мақомларга эришиш ўз қўлимизда. Бу муборак ойни муносиб кутиб олиб, муносиб ўтказайлик. Уни муносиб кутиб олиш бозорма-бозор югуриб, озиқ-овқат ғамлашдан, муносиб ўтказиш эса ҳар куни саҳарликка ош дамлаб, ифторликка дастурхонни тўлдириб, таом устига таом ейишдан, қорин очиб улгурмасидан яна саҳарлик тайёрлаш учун ошхонада кўймаланишдан иборат эмаслигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Зеро, бу ой таомлардан тийилиб, кўп-кўп ибодатлар, савобли амаллар билан Аллоҳга қурбат ҳосил қиладиган, У Зотнинг розилигини топадиган ойдир.

Аллоҳ таоло бу муборак ойда барчамизга кундузлари соим, кечалари қоим бўлиб, чинакам рўздор бўлишни, чинакам рўза тутиш, чинакам мусулмон бўлиш бахтини насиб айласин!

Барно Саидрахмон, «Ҳилол» нашриёти муҳаррири



РЎЗА – ҲАЛОЛ ТАОМЛАНМАК ДЕМАК

Бисмиллаҳир Роҳман-
нир Роҳийм.

Оламларнинг Раббиси
Аллоҳга беҳад ҳамдлар,
набийлар саййиди ва ра-
суллар имоми Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи васал-
ламга беҳад саловоту са-
ломлар бўлсин!

Ойлар ичида энг хайр-
лиси – Рамазонга тобора
яқинлашганимиз сайин
кўпчилигимизда соғинч,
муштоқлик ила умидлар,
улар қаторида масъулият
вазни ҳам кундан-кун ор-

тиб бормоқда. Бугун сиз
азизларимизга етказмоқ
истаганимиз «Таомла-
ниш» мавзусидаги эти-
борга молик ҳолатлар ҳа-
қидадир.

«Мураккаб овқат истеъ-
мол қилувчиларнинг хас-
таликлари ҳам мураккаб,
даво усуллари ҳам мурак-
каб бўлади. Оддий-содда
овқатлар истеъмол қилув-
чиларнинг касалликлари
ҳам, даво усуллари ҳам
содда бўлади» («Тиббун
набавий»).

Икки олам сарвари
Муҳаммад соллаллоҳу
алайҳи васалламнинг:
«Осонлаштиринг, қийин-
лаштирманг!» деган хи-
тоблари ҳаммамиз учун
бирдай қаратилган.

Банданинг барча иба-
датлари ўзи учун, факат
рўзагина Аллоҳ учундир.
Шундай экан, бу ибодат-
тимиз қабул бўлиши учун
муаммоли масала устида
тўхталсак.

Ишлаб чиқарувчилар-
ни қўллаб-қувватлаш дас-



турлари амалга киргач, инсон ухлаб тушида ҳам кўрмаган қаллобликлар орқали «ясалган» озиқ-овқат маҳсулотлари бозор ва дўконларимиз пештахталарини тўлдириб юборди.

Балиқлар «ўғит» билан боқилиб, «луқмаи ҳалол» дея дастурхонларимизга тортиляпти, товуқ, тухум ва гўшт етиштиришда турли гормонли озуқалардан фойдаланиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Хитойдан келтирилган генетик модификатланган усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотлар бизни, болаларимизни сурункали заҳарлаб келаётгани сир эмас.

Сунъий ичимликлар таърифига эса тил ожиз.

Халқимиз севиб истеъмол қилаётган пишириғу ширинликларимиз таркибида 70-80% гача кимёвий зарарли ва ҳалол-ҳаромлиги ноаниқ моддалар борлиги ачинарли ҳол. Бу маҳсулотлар инсон организмга киргач, нималарга айланиб, аъзоларимизда қандай хилтлар пайдо қилаётгани эса янада аянчли мавзу. Йилдан-йилга катталар қатори ҳомиладорлар ва норасида гўдакларда ҳам оғир аллергия, бронхиал астма, хавфли ўсма касалликлари кўпайиб бораётгани-

нинг гувоҳи бўлиб келяпмиз.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга итоат қилса, жаннатга киради, ким менга осийлик қилса, бош тортган бўлади», дедилар (Имом Бухорий ривояти, 7280-ҳадис).

Шу ўринда инсон боласининг бесаноқ офату кулфатлари унинг суннатга амал қилмаганидан эканини алоҳида таъкидлаш ўринли. Қизиқ, инсон рўзани тутса-ю, суннатни тарк этса...

Энди эҳтиёт бўлмасак бўлмайди, азизларим!

Ўзбекистонда илк бора Давлат стандартлаш қўмитасига юклатилган топшириққа асосан ҳалол маҳсулотларни серификатлаш бошланди. Ўзбекистон-Туркия тест Маркази раҳбари Музаффар Хамзаев бошчилигидаги етакчи мутахассисларимиз Туркияда «Ҳалол маҳсулотларни сертификациялаш» дастури доирасида малака ошириб қайтишди. Қуйида бу сертификат намунасини сиз азизларимизга қувончи билан етказмоқдамиз. Эндиликда халқимиз ифтору саҳарга таом ҳозирлашда фойдаланадиган маҳсулотларнинг ҳалоллиги мезонларини бемалол назорат қилишлари, тек-

шириб, қалб
х о т и р -
жамлигини
топишлари
мумкин.

Қолгани ўз қўлимизда! Рўза тутсагу, ҳалолдан мол топсагу, ҳаром ё гумондан таомлансак, рўзамиз қабул бўлмай қолиши хавфи жуда юқори.

Илтимосим: муборак Рамазон ойи муносабати билан харид этаётган ҳар қандай маҳсулотимиз сифатига, таркибига, табиийлигига, ҳалоллигига алоҳида эътибор билан ёндашайлик.

Бутун дунё ишлаб чиқарувчилари билан курашиш ва инқилоб қилиш ниятимиз йўқ, аммо ҳаром луқма қирқ кунгача организмда айланиб юришини, қалбларимизни қорайтиришини, ибодатларимизни зое қилишини ҳар вақт титроқ билан эслаб турсак, шубҳали луқмаларни тарк қилолсак, иншааллоҳ, ибодатларимиз гўзал бўлади.

Аллоҳдан бу ишда барчамизга кўмак беришини сўраб, галдаги Рамазон ойида дунё мусулмонлари ибодатларини ҳусну қабул қилишини ва Ўз ризолигини сўраб қоламиз.

*Нилуфар Шокирова,
олий тоифали шифокор*



Ҳаром луқма

Ассалому алайкум! Мен Рамазон ойи кирмасидан бир-икки кун аввал ҳаром луқма истеъмол қилгандим. Кейин Рамазон ойи кирди. Бир ой тўлиқ Рамазон рўзасини тутдим. Энди бу рўзам қабул эмасми? Қайтадан яна ўттиз кун қазосини тутиб беришим керакми? Ҳаром истеъмол қилган киши «Барибир дуоим ижобат бўлмайди», деб дуо, истиғфор айтмаса, гуноҳкор бўладими? Жавоб учун раҳмат.

Ва алайкум ассалом! Рамазон ойи кирмасдан бир-икки кун аввал ҳаром луқма истеъмол қилган бўлсангиз, кейин тўлиқ рўза тутган бўлсангиз, ўша тутганингиз ҳисоб, иншааллоҳ, қазо бўлмайди, қайта тутмайсиз. Аввалдан «Ҳаром луқма рўзани бекор қилади», деган гап йўқ. Дуо, истиғфорим қабул бўлмайди, деб бўлмайди. Гуноҳ қилганидан кейин дарров тавба қилиб, истиғфор айтиш керак. Гуноҳи афв қилинишини сўраб дуо қилиш лозим. Мўмин киши тавба қилиш, истиғфор айтиш ва дуо қилишдан ҳеч қандай ҳолатда тийилмайди, шунингдек, ноумид ҳам бўлмайди. Валлоҳу аълам!

(Одинахон Муҳаммад Юсуф)

Қуръон хатми ҳақида

Ассалому алайкум! Ҳайит айёми муборак бўлсин. Рамазон ойида Қуръон хатм қилиш ниятида, савобидан умидвор бўлган ҳолда астойдил ҳаракат қилиб ўқиб келаётган эдим, лекин хатм қилишга улгура олмадим. Чунки ҳали тез ўқий олмаيمان ва орада узрли сабабга кўра узилиш бўлган эди. Рамазон ойида 28 пора ўқидим. Нима қилсам экан? Шу ҳақда фикрингизни билмоқчи эдим.

Ва алайкум ассалом! Қуръон хатмини охирига етказиб қўяверинг. Рамазон кунлари хатм қила олмаган бўлсангиз ҳам, шу улуғ кунларда Қуръон тиловат қилганингиз учун савоб олаверасиз, иншааллоҳ.

(Одинахон Муҳаммад Юсуф)

Қизларнинг рўзаси

Ассалому алайкум! Ҳурматли Шайх ҳазратлари! Хабарингиз бор, ҳозирда бўйи етган қизлар ва келинларнинг ҳаммасини ҳам тўла соғлом, дейиш қийин. Камқонлик, беқувватлик ва шунга ўхшаш ҳолатлар учрайди. Шу сабабга кўра, улар Рамазон рўзасини тутишга қодир бўлиши мумкин, аммо бу уларнинг ҳозир соғлигида акс этмаса, кейинроқ ўзига ёки фарзандига таъсир қилиши мумкин. Шундай узрли касал эмас, аммо рўза тутса, соғлигига таъсир этиши мумкин бўлган қизлар бунинг қандай йўлини қилиши керак?

Ва алайкум ассалом! Бу сизнинг тахминингиз, холос. Бировнинг тахмини билан Аллоҳнинг шариати ўзгариб қолмайди.

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ)



Қазо рўзани тутишда эрнинг рухсати керакми?

Ассалому алайкум, Одинахон опа! Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Саволим шуки, агар аёл икки йил Рамазон рўзасини (фарзандли ва эмизикли бўлгани сабаб) қолдирган бўлса, энди бу қазо рўзасини тутиб беришининг шариатимизда ҳукми қандай? Яъни қазо қилгани учун нафл рўза каби эридан рухсат олиб тутадими ёки фарз рўза кабилими?

Ва алайкум ассалом. Рамазон рўзасининг қазоси ҳам фарз рўза, албатта. Шунга қазосини тутиш учун эрнинг рухсати шарт эмас. Валлоҳу аълам.

(Одинахон Муҳаммад Юсуф)

Аёллар таровеҳ намози ҳақида

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари. Рамазон ойида аёлларнинг таровеҳ намозини жамоат бўлиб ўқиши ҳақида шариатимизда нима дейилган? Мумкинми, йўқми?

Бизнинг мазҳабимизда аёлларнинг ўзлари жамоат бўлмаганлари афзал кўрилган.

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ)

Рамазон ойида тўй

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари. Халқимизда Рамазон ойида тўй қилиш мумкин эмас, деган гап бор. Аммо ҳеч ким шу масалани далиллар билан тушунтириб бера олмайди? Ҳурматли Шайх ҳазратлари, илтимос, шу масалани тушунтириб берсангиз.

Бу гапни илмсиз одамлар айтади. Шунинг учун далил келтира олишмайди. Рамазонда тўй қилиб бўлмайди, деган гап йўқ. Кундузи рўзани тутиб, кечқурун тўй қилса бўлади.

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ)



РАМАЗОНДА АЁЛЛАРНИНГ КУН ТАРТИБИ

Кўпинча одамлар манфаатсиз ўтказиб юборган вақтларини қайтаришни орзу қилдилар. Вақтни ортга қайтариб, диний ва дунёвий яхшиликлар билан тўлдириб, руҳни сиқувчи кўнгилсизликлардан халос бўлишни истайдилар.

Аллоҳ Рамазонни ҳар бир муслмон учун раббоний ой сифатида неъматлантирган. Бу ой муслмонлар учун берилган иккинчи фурсатдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одам боласининг ҳамма амали (савоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача. Аллоҳ азза ва жалла: «Магар рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. У (Одам боласи) шаҳвати ва таомини Мен учун тарк қилур», деди», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.



Рамазон ойи муслималарга ўзларини янги-дан кашф этишлари учун неъмат ўлароқ берилган фурсатдир. Шу фурсатдан унумли фойдаланиб қолайлик.

- Аллоҳ таолодан вақтингизга барака беришини сўраб қаттиқ дуо қилинг. Рўзғор юмушларини ва аёллик масъулиятини кўнгилдагидек бажаришга, Рамазон рўзасини шариятда белгиланганидек адо этишга, тунни ва кунни Аллоҳ таоло баракали қилиб беришига чин дилдан қаттиқ ишониш лозим.

- Таомни қодир бўлганингиздан ҳам камроқ енг. Фойдали ва енгил, шу билан бирга мураккаб бўлмаган нарсаларни тановул қилинг, шунда лохаслик ва уйқуга ҳожат сезмайсиз. «Ал-Асар» китобида айтилишича, ким кўп еса, кўп ичса ва кўп ухласа, кўп зиён кўради.

- Кичик ёшдаги фарзандларингиз бўлса, уларни эрта туришга ўргатинг. Эрта турган бола эрта ухлайди. Фарзандлар эрта ухлаганида эса тундаги ибодатларни, таровеҳ, Қуръон қироати ва зикрларни хотиржам бажаришга имкон бўлади.

- Фарзандларингизни маълум вақтлардагина ўйнашга ўргатинг. Агар

боғча ёшида бўлса, боғчага берганингиз маъқул. Шунда ибодат учун кўпроқ вақтингиз қолади.

- Уй ишларингизни кундузи фарзандларингиз уйқоқлигида қилиб олишга одатландинг. Улар ухлаганида ибодат билан машғул бўласиз.

- Ҳар куни фарзандларингиз учун ҳам вақт ажратинг. Уларга кунда бир ҳадис ёки бир оятни шарҳлаб, тафсирлаб беринг.

- Мавсумий уй йиғиш ишларини Рамазондан бир-икки кун олдин эмас, балки аввалроқ бажариб олиш даркор. Акс ҳолда Рамазон бошланмасиданоқ ҳолсиз бўлиб қолишингиз тайин.

- Ифторликка асосий тайёргарликни пешинда қилиб олинг ва дастурхон тузашни ҳамда бошқа майда юмушларни ифторликдан ярим соат олдинга қолдиринг. Кўпчилик бундай ишларни аср намозидан кейин бошлайди. Бу тўғри эмас. Чунки аср намозидан кейинги вақт Қуръон тиловати, зикр учун қулай фурсатдир. Унда тунги ва кечки фаришталар алмашадиган вақт бор. Шу фурсатни таом тайёрлаш билан ўтказиб юборманг.

- Таомни исроф қилиш макруҳ амаллардан

дир. Айниқса, бу ишни муборак Рамазон ойида қилсангиз, қандай бўларкин?! Рамазонда исрофга қарши курашни аввал ўзингиздан бошлаб, кейин бу борада оиладагиларга ҳам намуна бўлинг.

- Дастурхонга таомни ғарб услубида эмас, шаръий услубда тортинг. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалари таомни бир идишдан тановул қилишган ва бу билан одобда намуна бўлишган.

Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоғидаги бола эдим. Қўлим товоқда бориб-келар эди. Бас, у зот менга:

«Эй ғулom! «Бисмиллаҳ» дегин, ўнг қўлинг билан егин, ўз олдингдан олгин!» дедилар. Шундан сўнг ейишим шундай бўлди».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Бу идиш ювишга кетадиган вақтни, сувни, ювиш воситаларини тежашга олиб келади ва ибодат учун кўпроқ вақт қолишини таъминлайди.



БОЛАЛАР УЧУН

РАМАЗОН

Маълумингизким, muslimaat.uz сайти «Омина» журналининг Рамазон ойига бағишланган сони учун муштарийлар орасида мақолалар танлови эълон қилган эди. Танловга мухлисларимиздан кўплаб матнлар, шеърлар келиб тушди. Улардан маъқул топилганлари Рамазон ойи давомида muslimaat.uz сайтида бериб борилади. Қуйидаги мақолани эса танлов ғолиби сифатида эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Рамазон рўзаси ибодати бошқа ибодатлардан болаликнинг ҳаяжонли хотираларини уйғотиши билан қадрли. Ҳар қандай инсон тийнатида самимият ва софлик, беғуборлик ва содалик яшайди. Ҳар бир жамият ўзига хос расм-русумлар, халқона удумлари билан ажралиб турса-да, Рамазон ойининг муштарак хусусиятлари мусулмон дунёсини бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам ғарбдан шарқгача, жанубдан шимолгача бўлган ҳудудларда Рамазон ойи айрича тазоҳирда, аммо сокин ва фарахбахш кечади. Ҳатто уруш ҳамда офатлар соясида Рамазон ойини ўтказаетган инсонларнинг кўзида ҳам рўзанинг, ибодат ҳаловатининг ҳузур ва завқи акс этади. Катталаримизнинг «Оҳ, бизнинг пай-



тимиздаги Рамазонлар!..» дея бошланувчи хотираларда рўза ва Рамазоннинг болалик соғинчи бор. Чунки «Оҳ, бизнинг пайтимиздаги Рамазонлар!» болаларча ҳаяжон билан ўтган ибодатларни ёдга солади.

Болага Рамазон ойидаги амалларни ўргатиш қийин эмас. Фақат бола Рамазон ва рўза ибодатини тушунадиган, қадрлайдиган муҳитда ўсаётган бўлса етарли. Бундай муҳитда бола ва рўза жуда осон топишади, тез иноқлашиб кетадилар. Ҳаммамизнинг илк рўза, илк Рамазон, биринчи саҳарлик ва илк дафъа Ҳайит айёмини қаршилаганимиз билан боғлиқ гўзал хотираларимиз бор.

Кичик ёшдаги болаларни саҳарликда уйғотиб, дастурхонга даъват этиш ўринли. Катталар билан бирга ният қилиб, саҳарлик қилсинлар. Ундан кейин эса қорни очиққанида гўё ифторлик учун дастурхон ҳозирлагандек, болани тансиқ неъматлар билан таомлантириш дуруст. Ифторлик пайтида ҳам болакайга худди рўзадордек илтифот кўрсатиш рўзанинг ва Рамазоннинг бола қалбида таъсирини кучайтиради. Кичик ёшдаги болакайлар учун бундай рўза ҳақиқий рўза ибодатига йўллаш учун муваффақиятли дастур бўла олади. Кун бўйи рўза тутиш учун энг қулай пайт Рамазоннинг биринчи кунини. Биринчи кун гўзал ҳолатда рўза тута олса, Қадр кечаси кунини ҳам завқ билан рўза тута олади. Ёши ва иммунитетига кўра рўза тутишга қийналмаса, демак, болажонингиз рўза ибодатини адо этишга қодир бўлибди. Рамазон ва рўза завқини болажонларга ҳис эттириш учун уйингизни чиройли ясатинг. Ёрқин чироқлар, ўйинчоқлар билан болалар хонасини безатинг. Имкони

борича ифторликда сурат-кинолар, қалам, ширинликлар ҳадя қилинг. Ифторлик дастурхони учун тайёрланган таомларни болалар завқланадиган шаклларда безатинг. Зиёратгоҳлар, масжидларга олиб боринг. Дилбандингиз Рамазоннинг завқи ва қувончини ҳис қилсин. Ифторликда пишириқ ва таомлардан қўлига тутқазиб, тенгдош ўртоқларига беришни ўргатинг. Рамазон саховат, меҳр-мурувват ва шодлик ойи эканини болалиқдан ҳис қилиб улғайганлар катта бўлганларида жўмард ва сахий инсон бўлишлари шубҳасиз. Ўттиз кунни байрамдек ўтказиб, Ҳайит айёми учун болажонингиз билан бирга тайёргарлик кўринг. Опа-акалари, бобо-бувиси, дадаси ва сизга ўз қўллари билан ҳадялар тайёрлашига ёрдам беринг. Фарзандингиз муборак ой ичида ибодат, эзгулик, икром ва меҳр, сайр-саёҳат, байрам, хушнудлик, ўйин-кулгу ва яна бир олам маърифий-ижтимоий муносабатларни ўргансин.

Кўпчилигимизнинг муборак Рамазон ойи билан боғлиқ амалларимиз бор. Кимдир Рамазон ойида болалари билан бирга қишлоқдаги ота-онасининг зиёратида бўлиб, бир ой давомида қиблагоҳларининг хизматида, икки ҳисса ибодат билан машғул бўлади. Бу билан ҳам ота-онасининг кўнглини олади ва ҳам болаларига ота-онага хизмат қилиш буюк ибодат эканини амали билан ўқтиради. Кимлардир болалар шифохоналари, тарбия муассасаларига эҳсон қилади. Булар катта ишлар бўлиб, инсондан вақт ва харажат талаб этади. Аммо шундай ишлар борки, фарзандимиз билан Рамазон ойида уларни бажариш биздан ортиқча вақт ва сарф-харажат талаб қилмай-

ди. Рамазон тунлари осмонга термулиб, болангиз билан бирга ой сузишини кузатишингиз мумкин. Уйда болалар учун ифторлик ташкиллаштирасангиз ҳам бўлади. Бу ифторликда фақат болалар: қариндош-уруғ, қўшниларнинг фарзанди ва дилбандингизнинг тенгдош ўртоқларини меҳмон қиласиз. Ифторликка келолмайдиган дўсту яқинларингизни саҳарликка даъват қиласиз. Албатта, улар ҳам фарзандлари билан келсинлар. Мактаб ёшидаги болаларга китоб, жажжи болакайларга эса ўйинчоқлар ҳадя қилишингиз, совғаларни рўза ибодатига тайёрлаётган фарзандингиз тўхфа этиши ҳам фойдали ўйин бўлади. Ифтордан кейин бутун оила жам бўлиб Қуръон, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётларидан, саҳобаларнинг умр йўлларида қиссалар ўқинг. Қуръон тиловат қилишни билладиган болаларингиз бўлса, уларнинг овозини тингланг. Мажбурловчи ва бездирувчи насиҳатгўй бўлманг. Самимий бўлинг ва меҳрингизни бори-ча кўрсатинг. Муносиб одобу тавозеъ билан рўза ибодатингизни адо этинг. Рамазон ойини гўзал ва хушнудлик билан ўтказинг. Имкони борича ушбу муборак ойда оилангиз билан бирга бўлинг. Дўсту биродарларингиз, севганларингиз билан Рамазоннинг бутун завқу нашидасини суришга ҳаракат қилинг. Фарзандларингизга рўза ибодатини англашнинг энг осон йўли — оила аъзоларини бир-бирига меҳр-муҳаббатли муносабат қилиши ва Рамазонни бирга ўтказишидир.

Умида Адизова,
журналист

РУККОЛАЛИ САЛАТ

Маҳсулотлар:

1 боғ руккола кўкати
1 та бодринг
6 та черри помидори
50 гр ёнғоқ ёки кедр ёнғоғи
Хушбўй сирка (бальзам сиркаси)

Соуси учун:

3-4 ош қошиқ зайтун ёғи
Яримта лимон шарбати (суви)
Таъбга кўра туз, мурч



Руккола кўкати муздек сувда ювиб, поясини кесиб ташлаймиз ва қоғоз сочиқ билан қуритамиз. Бодрингни доирача шаклида, 5 мм қалинликда тўғраймиз. Черри помидорларини иккига бўламиз. Керакли маҳсулотлардан соус тайёрлаймиз ва тўғралган сабзавотларга қўшиб, аралаштирамиз. Ликобчага чиройли қилиб солиб, устидан ёнғоқ ёки кедр ёнғоғини сепамиз ҳамда 1-2 ош қошиқ хушбуй сиркадан қуямиз.

Салатга моцарелла ёки фета пишлоғи қўшилса, унинг фойдалилик жиҳати янада ошади. Чунки бу пишлоқлар темир ва кальций моддаларига, шунингдек А, В5, В6 витаминларига бойдир.

Руккола кўкати кундалик овқатлашни рационига қўшилса, инсон организми учун кони фойда бўлади. Унда кўп миқдорда аскорбин кислотаси бўлгани сабабли организмнинг ҳимоя имконини кучайтиради, гемоглобинни кўпайтиради, лохасликдан халос қилади, инсонга куч бериб, ишчанлик қобилиятини оширади. Кўкат таркибидаги витаминлар тери катакчаларини қувват билан тўйинтириб, қариш жараёнини секинлаштиради. Макро ва микроэлементлар эса сочларни жилвалантириб, тирноқлар мустаҳкамлигини таъминлайди.



**Маҳсулотлар:**

Лаваш хаамири
 300 гр қўзиқорин (вешенка,
 шампиньон)
 1 та пиёз
 1 та помидор
 200 гр жўхори доначалари
 200 гр пишлоқ
 1 боғ кўк пиёз
 2-3 ош қошиқ ўсимлик ёғи
 Таъбга кўра туз ва мурч




Қўзиқоринни йирикроқ тўртбурчак шаклида тўғраб, таъбга кўра туз ва мурч қўшиб, ёғда қовуриб оламиз. Пиёз ҳамда помидорни ҳам тўртбурчак, кўк пиёз-ни эса қаламча шаклида тўғраймиз. Пишлоқни қирғичдан чиқарамиз. Лаваш хаамирини тўртбурчак шаклида 6 донага бўламиз. Бўлинган хаамирларни кекс қолипчаларига жойлаб, ичига қовурилган қўзиқорин, пиёз, жўхори доначалари, помидорлардан озроқдан (тахминан 1 ош қошиқ) солиб чиқамиз. Устига 3-4 қаламча кўк пиёз ҳамда пишлоқ сепамиз. Хаамир «оғзини» кўк пиёз пояси билан боғлаб, ёпамиз. Сўнгра 160°C қиздирилган духовка печига 20 дақиқага қўямиз.

Тайёр бўлган қиймали қопчаларни дастурхонга тортамыз.

Қиймали қопчаларнинг яхши тарафи шундаки, қиймасини ўз таъбимиз, хо-ҳшимизга кўра турли маҳсулотлардан тайёрлашимиз мумкин. Масалан, қўзи-қорин ўрнига гўшти қийма ёки товуқ гўшtidан фойдаланса бўлади. Сабзавот ва кўкатларни ҳам истаганимизча алмаштиришимиз мумкин.

Гўзал Дадамухамедова





Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан
ривоят қилинади:
«Расулulloҳ соллalloҳу
алайҳи васаллам:
**«КИМ
РАМАЗОНДА
ИЙМОН
БИЛАН, САВОБ
УМИДИДА
ҚОИМ
БЎЛСА, ЎТГАН
ГУНОҲЛАРИ
МАҒФИРАТ
ҚИЛИНАДИ»**,
дедилар».



[MUSLIMAAT.UZ](https://muslima.uz)

ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ:
[MUSLIMAAT@ISLOM.UZ](mailto:muslimaat@islom.uz)